ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАШАРИПОВ АЗАМАТ САБИРОВИЧ

БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИДА ЦЕРЕБРАЛ ВА ЭКСТРАЦЕРЕБРАЛ ТАНАТОГЕНЕЗ

14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.24 – Суд тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2020

УДК: 617.51-001.4-06:616.831-005.4

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Машарипов Азамат Сабирович
Бош мия жароҳатида церебрал ва
экстрацеребрал танатогенез..... 3

Машарипов Азамат Сабирович
Церебральный и экстрацеребральный
танатогенез при черепно-мозговой травме..... 25

Masharipov Azamat Sabirovich
Cerebral and extracerebral thanatogenesis
in traumatic brain injury..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….…….…….. 51

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАШАРИПОВ АЗАМАТ САБИРОВИЧ

БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИДА ЦЕРЕБРАЛ ВА ЭКСТРАЦЕРЕБРАЛ ТАНАТОГЕНЕЗ

14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.24 - Суд тиббиёти

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib376 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферат икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Исраилов Ражаббай** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Искандаров Алишер Искандарович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алиев Бахром Рахимбердиевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Даурханов Асатой Мамедович (Қозоғистон) тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Рузиев Шерзод Ибодуллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ош Давлат Университети (Қирғизистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй Тел./факс: (99878) 150-78-25,e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____да тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Х.З.Турсунов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нафақат суд-тиббиёти, балки, клиник тиббиёт амалиётида ҳам бош мия жароҳатлари натижасида юзага келадиган ўзгаришлар ва асоратларни баҳолаш, уларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш соҳадаги долзарб муаммолар қаторида асосий ўринни эгаллайди. Жароҳатлар умумий таркибида «...бош мия жароҳатининг (БМЖ) улуши 30–40% ни, қўшма жароҳатлар қаторида эса 80% ни ташкил қилади. Асосан, уларнинг кенг тарқалганлиги тиббиёт соҳаси турли вакилларининг ушбу масалага бўлган қизиқишини янада оширади..»[1] Муаллифларнинг «...бош мия жароҳатларининг кенг тарқалганлиги ва ўлим даражасининг юқорилиги, уларнинг шубҳа туғдирмайдиган даражада ижтимоий ва тиббий аҳамиятга эгалиги ҳақида...»[2] билдирган фикри асосли ҳисобланади. БМЖдан кейин жабрланувчилар касалликнинг ўткир даврини ва натижада келиб чиқувчи неврологик асоратларни бошидан кечирсада, ўз вақтида кўрсатилган самарали замонавий нейрореанимацион ва нейрожарроҳлик ёрдам эвазига яшаб қолишга муяссар бўлмоқдалар. Тиббиёт соҳасидаги ютуқлар эвазига, қўп ҳолатларда жароҳатнинг оғирлик даражаси беморлардаги асоратларнинг оғирлиги ва летал оқибатларини белгиламайдиган бўлди. Бош мия жароҳатларининг кеч даврларида ўлимнинг бевосита сабаби асосан жароҳат натижасида юзага келган ички аъзоларда ривожланувчи патологик жараёнлар эканлиги, масаланинг ечимини нафақат жароҳатланган бош мия доирасида, балки тўла-тўкис бутун организмда ўрганилиши зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соматик касалликларда ва бош мия жароҳатларида қон қуйилишнинг жойлашган ўрни, оғирлиги, тарқалиши ва маҳаллий асоратларини ҳисобга олган ҳолда патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хосликларини асослаш, турли аъзоларда патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш, церебрал ва экстрацеребрал танатогенез алгоритмини яратиш ва суд-тиббий экспертиза жараёнини самарали ташкиллаштириш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, бош мия жароҳатларини церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш

---

[1] Попов В.Л. Бош мия жароҳати: Суд – тиббий аспектлар // Ўқув қўлланма. – М., 1988. – 240 с.

[2] Шабанов А.К., Картавенко В.И., Петриков С.С. и др. Тяжёлая сочетанная черепно-мозговая травма: особенности клинического течения и исходы // НМП. - 2017. - №4. – С. 324-330

орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»[3] каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар бош мия жароҳатларида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни такомиллаштиришда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли суд-тиббий экспертизани амалга оширишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартидаги ПФ-4985-сонли «Шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[4]. Бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Toronto (Канада); Research Representative (UK); Schleswig-Holstein (Германия); Helsinki University (Финляндия); Nanjing University, University Cheng Kung, University Beijing, University Zunyi, Fudan University (Хитой); University of Ulsan (Жанубий Корея); Aarhus University, University Innsbruck Austria (Австрия); All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон); Tehran University (Эрон); Томск миллий тиббиёт маркази (Россия Федерацияси); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: бош мия ички жароҳатлари танатогенезида нейроэндокрин ва тўқималар гипоксиясининг бузилишида стресс-

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

[4]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.sklifos.ru, ifnmu.edu.ua, www.english.us.edu.pl, www.keio.ac.jp, www.uksh.de, www.utoronto.ca, www.fudan.edu.cn, www.ucalgary.ca; www.ufsc.br; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.gu.se; www.ku.dk; www.ifnmu.com, www.helsinki.fi, www.tma.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

индуцирланиш омиллари аҳамиятининг патогенетик механизмлари ишлаб чиқилган (Перу давлати академияси (Перу)); бош мия жароҳатларини баҳолашнинг бўсаға даражаси AIS≥5, шу борада AIS 3-4 TBI, ва AIS 1-2 даражаси баҳоланган (Institute for Epidemiology and Health Policy Research (Польша)); бош миянинг травматик жароҳатларида (SOTA) замонавий клиник амалиётининг тавсиялари ишлаб чиқилган (Boston University (АҚШ)); бош мия жароҳатларида кетоген диеталарнинг аҳамияти исботланган (Toronto Rehabilitation Institute (Канада)); бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенез патоморфологик ва суд-тиббий аспектлари ишлаб чиқилган (Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон)).

Дунёда бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, жигар ва МИТ аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ва соматик касалликлар ҳамда бош мия жароҳатларида мияга қон қуюлишининг турли вариантларида меъда – жигар танотогенези механизмларини асослаш; бошқа аъзолардаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш, соматик касалликлар ҳамда бош мия жароҳатларида мияга қон қуюлишининг турли вариантларида танатогенез механизмларини ўрнатишни асослаш; соматик касалликлар ва бош мия жароҳатларида мияга қон қуюлишида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезларни дифференциал ташхисотини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бош мия жароҳатларининг оғир шакллари ва геморрагик инсульт ўтказган барча беморларда касалликнинг кечиши ва неврологик бузилишлар церебрал ва экстрацеребрал патологияларни ривожланиши билан бирга кузатилади (Ж.Семенова, 2006; McMillan T.M., Teasdale G.M., Weir C.J. et al., 2011). Бош мияга қон қуйилишларда жойлашган ўрни ва тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда, унинг якуни ва асоратларининг кечишига таъсир кўрсатувчи энг кўп учрайдиган ўткир экстрацеребрал патологиянинг 5 тури мавжуд: яъни нафас аъзоларининг ўткир патологияси (Е.В.Гнедовская, Т.С.Гулевская, М.А.Пирадов, 2003; О.Б.Долгова, 2004); мия тўқимасига қон қуйилиш ҳолатларида нафас аъзолари патологиясининг юзага келиши ва ривожланиши бир қатор омилларга: бош мия бульбо-понтин респиратор марказ ўзагининг бевосита ёки билвосита шикастланишида альвеоляр гипо- ва гипервентиляция синдромининг шаклланиши билан нафас бошқарувининг марказий бузилишлари (Д.В.Богомолов, И.Н. Богомолова, В.А.Путинцев ва ҳаммуал., 2012); шубҳасиз, қатор ҳолатларда ўткир буйрак етишмовчилиги-гиперосмоляр эритмалар трансфузияси, антибактериал дори воситалари ва вазоконстрикторларни узоқ вақт қабул қилиш каби нейрореанимация ва интенсив теарпия чора-тадбирлари оқибатида юзага келиши мумкин (Л.Н.Бадмаева, 2003; А.В.Коханов, А.А.Николаев, 2007). Мияда ўткир қон айланиши бузилиш ҳолатларида экстрацеребрал патологияларни электролит бузилишлари, диссеминирланган томир ичи қон ивиши (ДТИҚИ)-синдром, гипер- ва гипоосмоляр ҳолат, гипертермия, гипо- ва гипертензия, гипоксия, гипер- ва гипокапния, камқонлик, гипер- ва гипогликемия ва кислота-ишқор

муҳитини бузилиши каби тизимли бузилишлар кузатилади (М.О.Гиголян, А.И.Пискун, К.А.Косинский, 2005; Oehmichen M., 2005). Шундай қилиб, бош мия жароҳатларининг оғир шаклида алоҳида аъзо ва тизимлар даражасида церебрал ва экстрацеребрал патологияларнинг турли шакллари мавжуд бўлади. Ички аъзоларнинг баъзи касалликлари бош мияда қон айланишини бузилиши ривожлангунча ўз ўрнига эга бўлган сурункали патологияларни зўрайиши кўринишида намоён бўлса, бошқалари инсульт фонида, даволашнинг интенсив усулларини қўллаш натижасида бирламчи намоён бўлади. Беморларнинг клиник ҳолатини полиорган етишмовчилиги билан ўткир ва сурункали церебрал ва экстрацеребрал патологиялар, сурункали полипатия ва полиорган етишмовчилик синдроми (ПОЕС)нинг бирга келиши оғирлаштиради (Д.Е.Иванов, Д.М.Пучиньян, В.Г.Нинель 2001; М.А.Пирадов, С.А.Румянцева 2003; Maas A.I.R., Menon D.K., Adelson P.D. et al., 2017).

Ўзбекистонда турли тизим ва аъзолардаги патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (М.С.Абдулаходжаева, 2010, 2014; Б.А.Магрупов, 2018; 2019; Р.И.Исроилов, 2018, 2020; Х.З.Турсунов, 2019), ошқозон ичак тизими саратонида сфинктр сақловчи операцияларнинг патоморфологик хусусиятлари (Д.А.Нишанов,2018), қорин ва қорин орти бўшлиғи аъзоларнинг жароҳатларни суд тиббий баҳоланган (О.И.Хван, 2017) бироқ, бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Бош мия жароҳатларидаги бош мия ва ички аъзолардаги патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш амалий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Бу шу йўналишдаги бош мия жароҳати ва нотравматик мияга қон қуйилишларни профилактикаси, уларнинг асоратланиш турлари ва даражаси, асоратларини олдини олишга, аъзолардаги патологик жараёнларнинг ривожланиш турларини ўрганишга, БМЖ асоратларини даволашнинг янги самарали турларини ишлаб чиқишга қаратилган замонавий илмий ишларнинг етарлилигига қарамасдан, шу кунгача ёритиб келинган БМЖлардаги клиник, лаборатор ва морфологик кузатувлар бу жароҳатларда организмни барча аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришларни юзага келишини, уларни даврлар бўйича ифодаланиш даражасини тўлиқ ёритилмаганлиги сабабли, шу вақтгача аниқланган ўзгаришлар тўлиқ асосланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Тиббиёт Академиясининг илмий тадқиқотлар иш режаси «Омиллар билан боғлиқ бўлган экспериментал патологиянинг турли шаклларида функционал метаболик ҳамда тузилмавий тавсиф ва организмнинг ҳаёт фаолияти кўрсаткичларини коррекциялаш; эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари ва суд-тиббий экспертизанинг текшириш объектлари» (2014-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бош мия жароҳати ва бош мияга соматик қон қуйилишларда церебрал ва экстрацеребрал ўлим механизмини баҳолашда

бош мия ва ички аъзолардаги ўзига хос патоморфологик ўзгаришларни ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош мия жароҳатларида қон қуйилишини жойлашган ўрни, оғирлиги, тарқалиши ва маҳаллий асоратларига боғлиқ ҳолда мия тўқимасининг патоморфологик ўзига хосликларини баҳолаш;

соматик касалликларда мияга қон қуйилишини жойлашган ўрни, оғирлиги, тарқалиши ва маҳаллий асоратларига боғлиқ ҳолда патоморфологик ўзига хосликларини баҳолаш;

юрак қон-томир тизими аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш ва соматик касалликлар ҳамда бош мия шикастланишларида мияга қон қуйилишининг турли вариантларида юрак танатогенезининг ўзига хослигини баҳолаш;

нафас аъзоларида патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш ва соматик касалликлар ҳамда бош мия шикастланишларида мияга қон қуйилишининг турли вариантларида ўпка танатогенезининг ўзига хослигини баҳолаш;

жигар ва МИТ меъда-ичак тракти аъзоларидаги патоморфологик ўзгаришларни, соматик касалликлар ҳамда бош мия шикастланишларида мияга қон қуйилишининг турли вариантларида жигар ва меъда-ичак танатогенезининг ўзига хослигини баҳолаш;

бошқа аъзолардаги патоморфологик ўзгаришлар, соматик касалликлар ҳамда бош мия шикастланишларида мияга қон қуйилишининг турли вариантларида шу аъзолар танатогенезининг ўзига хослигини баҳолаш;

соматик касалликлар, бош мия жароҳатларидан мияга қон қуйилишида церебрал ва экстрацеребрал танатогенез дифференциал ташхислаш жадвалини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2008-2018 йиллар давомида Республика патологик анатомия ва Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Хоразм вилояти филиалида оғир бош мия жароҳати натижасида 74 нафар вафот этган шахсларнинг мурдаси ва соматик касалликлар натижасидаги мияга қон қуйилишлар оқибатида вафот этган 40 нафар шахсларнинг мурдаси хизмат қилган. Улар бош мияга қон қуйилиши сабабларидан келиб чиққан ҳолда 2 гурухга ажратилиб ўрганилди. Шу билан бирга, 845 нафар бош мия жароҳати натижасида вафот этган шахслар мурдасини суд-тиббий текшириш хулосалари ва 117 нафар соматик касалликлар натижасида бош мияга қон қуйилиш оқибатида вафот этган шахсларни патологоанатомик далолатномаси маълумотлари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб травматик ва нотравматик мияга қон қуйилишларда турли кўринишдаги танатогенезни вужудга келиш қонуниятларини ўрганиш хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда морфологик, морфометрик, гистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жойлашган ўрни, оғирлиги, тарқалиши ва маҳаллий асоратларига боғлиқ ҳолда мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишларнинг патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослиги асосланган;

мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишларнинг турли вариантларида юрак танатогенези ҳамда юрак қон-томир тизими аъзоларида патоморфологик ўзгаришлари исботланган;

мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишларнинг турли вариантларида ўпка танатогенези ҳамда нафас тизими аъзоларида патоморфологик ўзгаришлари исботланган;

мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишларнинг турли шаклларида меъда-ичак ва жигар танатогенезида овқат-ҳазм қилиш йўли шиллиқ қаватларида қон айланишининг бузилишидан ўткир эрозия ва яраларнинг юзага келиши, профуз қон кетиш, динамик ичак тутилиши каби синдромларнинг жигардаги патологик ўзгаришлар билан корреляцион алоқаси очиб берилган;

мияга травматик қон қуйилишларда қатор аъзоларга боғлиқ танатогенезнинг суд тиббий экспертизасидаги ўрни ва ривожланиш вақти исботланган;

мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни дифференциал ташхислаш жадвали яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суд-тиббиёт амалиёти учун соматик касалликларда мияга қон қуйилиши ва бош мия жароҳатларида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни дифференциал ташхислашда аниқ йўналишли клиник-морфологик мезонлар таклиф этилган;

соматик касалликлар ва БМЖ натижасидаги мияга қон қуйилишларда ривожланувчи морфологик ўзгаришларни турли даврлардаги босқичма-босқич ифодаланишини аниқ билиш, тегишли мутахассисларнинг танатогенез босқичларини аниқлаш ва ўлим сабабларини илмий асослаш диагностик имкониятларини кенгайтирилган;

бош мия жароҳатларидаги мияга қон қуйилишларида юзага келувчи патоморфологик ўзгаришларни жамлама баҳолашда умумий танатогенетик коэффицентни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган, бу ўз навбатида бевосита ўлим сабабини тўғри ва асосли ёритиш имконини берган;

тиббиётнинг бошқа йўналишларида бош мия жароҳати олган беморларни даволашда жароҳатдан кейинги турли даврларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни била туриб олдиндан зарур профилактик даволаш чораларини қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган материал миқдорининг етарлилиги, морфологик, морфометрик, патоморфологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, бош мия жароҳатида

церебрал ва экстрацеребрал танатогенезнинг ўзига хослиги ва ташхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳам олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бош мия жароҳатларида ва соматик касалликларда мияга қон қуйилишида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни дифференциал ташхислаш жадвали, бош мия жароҳатларида ва соматик касалликларда мияга қон қуйилишида экстрацеребрал патологиялар кўриниши сифатида барча ички аъзоларнинг патоморфологик ўзгаришлари, мияга травматик ва нотравматик қон қуйилишларида полиорган етишмовчилигини намоён бўлиш даражасини баҳолашнинг назарий тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амалиётда суд-тиббий экспертлар ва патологоанатомлар иш жараёнида БМЖлари натижасида турли даврларда босқичма-босқич юзага келадиган ўзгаришларни патоморфологик намоён бўлишидан келиб чиққан ҳолда БМЖ натижасида вафот этганларнинг ўлим муддатини, тегишли хулосаларни расмийлаштиришда бевосита ўлим сабабини гистологик жиҳатдан тўлиқ асосланган тўхтамини яратиш, тиббиётнинг нейрожарроҳлик, неврология каби бошқа йўналишларида БМЖ натижасида турли даврларда юзага келиши муқаррар бўлган асоратларни тўлиқ билган ҳолда, беморларга сифатли ва илмий асосланган профилактик чораларни вақтида қўллаш ва тўғри йўналишда даволаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бош мия жароҳати натижасида мияга қон қуйилишларида жигардаги экстрацеребрал танатогенезни патоморфологик баҳолаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-з/325-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жароҳатланиш оқибатида мияга қон қуйилишида жигар тўқималаридаги патоморфлогик ўзгаришларни ташхислаш ва суд тиббий экспертизани самарали амалга ошириш имконини берган;

«Бош мияга шикастланиш натижасида қон қуйилишларда буйрак тўқимасининг патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-з/325-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жароҳатланиш оқибатида мияга қон қуйилишида буйрак тўқималаридаги патоморфологик ўзгаришларни ташхислаш ва суд тиббий экспертизани самарали амалга ошириш имконини берган.

Бош мия жароҳатида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиали ва Хоразм вилоят

патологоанатомик Бюро амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 8н-з/14-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши БМЖларида бош мия стволида томир харакат марказининг жароҳатланиши натижасида буйрак томирлари коллапси оқибатида ривожланадиган, бемор ўлимига сабаб бўлиши мумкин, ўткир буйрак етишмовчилиги, буйрак инфаркти, ўткир пиелонефрит, цистит ва сийдик пуфаги шиллиқ қаватига қон қуйилиши каби экстрацеребрал патологиялар соматик касалликлар оқибатидаги буйрак танатогенезидан кескин фарқ қилиб, бирламчи ривожланиши ва оғир кечишини кўрсатиб берди. Бу ўз навбатида тегишли хулосаларни асосли бўлишини таъминлаган ва юзага келиши муқаррар бўлган асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари, асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АССОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бош мия жароҳатлари ва соматик касалликлар натижасида ривожланадиган мияга қон қуйилишларда церебрал ва экстрацеребрал танатогенез муаммоларини ўрганишнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида бош мия жароҳатининг церебрал ва экстрацеребрал танатогенези муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий нашрларининг таҳлилий натижалари келтирилган. Ушбу патологиянинг ривожланиши, патогенези, морфогенетик механизмлари таҳлил қилиниб, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган. Бош мия жароҳатининг церебрал ва экстрацеребрал танатогенези юз берадиган

патологик ва суд тиббий ўзгаришларни башоратлаш учун қатор суд-тиббий текширувлар ўтказиш зарурлиги кўрсатилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, бош мия жароҳатининг церебрал ва экстрацеребрал танатогенезида бош миядаги морфологик ўзгаришлари ва суд-тиббий экспертизадаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳозирги кундаги ҳолати тахлил қилинган. Тавсия этилаётган ташхислаш усуллари, уларнинг натижалари афзалликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Бош мия жароҳатларида церебрал ва экстрацеребрал танатогенезни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари батафсил баён қилинган. Тадқиқот материаллари сифатида, ўлимга олиб келувчи бош мия очиқ ва ёпиқ жароҳатлари, шу қаторда алоҳида келувчи ва қўшилиб келган шикастланишда ва мияга нотравматик қон қуйилиш ҳолатлари хизмат қилди. Мазкур илмий тадқиқот учун мияга травматик қон қуйилиш ҳолатлари Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Хоразм филиали базасидан танлаб олинган бўлса, нотравматик қон қуйилиш ҳолатлари Республика паталогоанатомия маркази базасида олиб борилган.

2008 йилдан 2018 йилгача бўлган давр ичида юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотлардан олинган материаллар ўрганиб чиқилиб, мияга травматик ва норавматик қон қуйилиши натижасида вафот этган шахслар мурдаларини текшириш маълумотларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди.

Республика суд-тиббиёт экспертиза илмий-амалий маркази Хоразм филиали базасида бош мия жароҳатидан вафот этган (74 нафар) шахс мурдаси, шунингдек, Республика паталогоанатомия маркази базасидаги соматик касалликлардан мияга қон қуйилиши натижасида вафот этган (40 нафар) шахс мурдасида секцион текширишлар олиб борилди.

Ретроспектив таҳлил маълумотларига асосланиб, 10 йиллик даврдаги 845 та ўлим билан якунланган бош мия жароҳатлари бўйича ўтказилган секцион текширув материаллари ўрганиб чиқилди. Бош мия жароҳатлари натижасида вафот этган 845 нафар шахснинг 677 нафари (80,1%) эркаклар ва 168 нафарини (19,9%) аёллар ташкил этди. Шунингдек, 10 йиллик давр ичидаги соматик касалликлар натижасида мияга қон қуйилиши оқибатида вафот этган шахслар мурдаси секцион текширув маълумотларининг ретроспектив таҳлили ўрганилди. Уларнинг умумий сони 117 нафарни ташкил қилди. Шулардан, 60 нафари (51,28%) эркак ва 57 таси (48,72%) аёл жинсига мансуб шахслардир.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Хоразм филиалида турли ёшдаги, бош мия жароҳатлари натижасида вафот этган 74 нафар шахс мурдаси секцион текширишлари ўтказилди, улардан 68 нафари (91,89%) эркак ва 6 таси (8,11%) аёл жинсига мансуб.

Айрим ҳолатларда оғир БМЖ натижасида вафот этганларнинг клиник белгилари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлинмади, аммо бу маълумотлар шифохонада вафот этган шахслар бўйича юритилган тиббий ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқилди. Жабрланувчиларнинг ўлими, шикастланишнинг оғирлиги билан боғлиқ ҳолда 341 нафарида (40,36%)

жароҳат олинган жойда, жароҳатдан кейинги дастлабки дақиқалар ёки соатларда, тезда содир бўлган, 223 нафарида (26,39%) эса ўлим шифохонада, тиббий ёрдам кўрсатилишдан олдин қайд этилган, қолган 281 нафарида (33,25%) эса БМЖ олган вақтдан сўнг турли муддатларда шифохонада вафот этганлар.

40 нафар соматик касалликлар натижасида мияга қон қуйилишидан вафот этганларнинг секцион текширувлари Республика паталогоанатомия марказида ўтказилди. Уларнинг асосий қисмини 27 нафар (67,5%) эркаклар ва 13 нафари (32,5%) аёллар ташкил этди.

Текширишлар давомида 340 нафар (40,24%) ҳолатларда якка жароҳатлар, 525 (59,76%) ҳолатларда қўш жароҳатлар кузатилди. Шулардан, ёпиқ БМЖлар 358 (42,37%) ҳолатни, очиқ бош мия жароҳатлари эса 450 (53,25%) ҳолатни ташкил килди. Қолган 37 (4,38%) ҳолатни мия қаттиқ пардаси бутунлигини бузилиши билан кечган жароҳатлар ташкил этди.

Бош мия жароҳатларида ички аъзолардаги морфологик ўзгаришлар динамикасини ўрганишда, таққословчи маълумотлар сифатида, доим морфологик ўзгаришлар ҳали ўзини намоён этмаган, мия шикастланишларидан сўнг тез юзага келган ўлим ҳолати хизмат қилди.

Церебрал ва экстрацеребрал танатогенезнинг морфологик белгиларини аниқлаш учун асосий урғуни, бош мия шикастланишларидан сўнг, жабрланувчиларнинг ҳаёт давомийлигига боғлиқ ҳолда, уларнинг ички аъзоларида динамикада ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни ўрганишга қаратилди. Шу билан боғлиқ ҳолда, барча секцион материал 6 та гуруҳга ажратилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бош мия жароҳати олганларнинг ўлим юзага келгунча ўтган вақтга боғлиқ ҳолда гуруҳларга ажратилиши, шахсий текширув маълумотлари

Гуруҳ	Жароҳатдан кейин ўтган вақт (ўлим содир бўлгунча)	Жабрланганлар сони, (%)
1-чи	Тез ўлим	30 (40,54%)
2-чи	2 соатдан кейинги ўлим	18 (24,32%)
3-чи	12 соатдан кейинги ўлим	9 (12,16%)
4-чи	24 соатдан кейинги ўлим	7 (9,46%)
5-чи	48соатдан кейинги ўлим	6 (8,11%)
6-чи	72 соатдан кейинги ўлим	4 (5,41%)
Жами		**74 (100%)**

Оғир бош мия жароҳати натижасида вафот этган шахслар (74 та мурда) дан олинган секцион материалларни ўрганиш даврида, уларнинг асосий қисми (91,89%) ини эркаклар, қолган қисми (8,11 %) ни аёллар ташкил қилди.

Морфологик текширишлар. Одатда жасадларни суд-тиббий текшириш ўлим юзага келгандан сўнг дастлабки кунда амалга оширилди. 74 та жасадни

суд-тиббий ва 40 та жасадни паталогоанатомик текшириш жараёнида, гистологик текширишлар учун ички аъзолар ва бош миядан бўлакчалар олинди. Ички аъзоларнинг бўлакчалари (бош мия, юрак, ўпка, жигар, буйраклар, буйрак усти бези ва ичаклар) 72 соат давомида 10% ли нейтрал формалинда фиксацияланди, сўнгра 3-4 соат давомида оқиб турган сувда ювилди. Материални сувсизлантириш учун ўсиб борувчи концентрацияли спирт ва хлороформдан ўтказилди, сўнгра парафинга қуйилди. Парафин блокларидан гистологик кесмалар тайёрланиб, улар гематоксилин ва эозин билан бўялди. Шу билан бирга, бириктирувчи тўқимали тузилмаларни аниқлаш учун Ван Гизон усули бўйича, мукополисахаридлар ва гликогенни аниқлаш мақсадида ШИК реакцияси усули бўйича, нерв ҳужайралари Ниссл усули бўйича бўялди.

Бош мия тўқимаси морфометрик текшируви Г.Г.Автандилов усули бўйича аниқланаётган тузилмавий компонентларнинг эгаллаган ҳажмий қисмларни аниқлаш имконини берувчи, нуқтали ҳисоблаш йўли билан амалга оширилди.

Мурдани очиш ва суд-гистологик текширув жараёнида, стандарт суд гистологик текширув ҳаракатларидан ташқари, танатогенез типини аниқлаш учун Д.В. Богомолов (2012) усули асосида танатогенетик коэффициент (ТК) ни ҳисоблаш амалга оширилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Аъзолар бўйича олинган танатогенетик коэффициентни баҳолаш тартиби

ТК=0 - 0,25	Аъзода ҳисобланган 0 дан 0,5 гача бўлган коэффициент, шу ҳолатдаги танатогенетик жараён ривожланишида аҳамиятли бўлмаган деб ҳисобланиши мумкин.
ТК=0,25 - 0,5	
ТК=0,5 - 0,75	ТК нинг қиймати 0,5 дан 0,75 гача бўлишини танатогенез жараёнини оғирлаштирувчи, аммо танатогенезнинг асосий типи бўлмаган омил сифатида баҳоланиши мумкин.
ТК=0,75 – 1	Ҳисоблаш давомида ТК 0,75 дан 1,0 гача коэффициентга эга бўлган аъзо танатогенезнинг асосий типи сифатида баҳоланиши мумкин.

Диссертациянинг **«Мияга травматик қон қуйилишларда церебрал ва экстрацеребрал патоморфологик ўзгаришлар»** деб номланган учинчи бобида бош мия жароҳатларида мия тўқимасида нервлар ва микротомирлардаги патоморфологик ўзгаришлар, турли аъзолар (ўпка, миокард, буйрак, буйрак усти безлари, жигар, меъда-ичак тизими аъзолари) да рўй берадиган патоморфологик ўзгаришлар, бош мия жароҳатидан кейин ва реанимацион чоралар оқибатида пайдо бўладиган полиорган етишмовчилик синдроми ёритиб берилган.

БМЖларидан мияга қон қуйилишларда эрта муддатларда бош мия тўқимасида дастлаб, жароҳатлаш омилларини ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган дисциркулятор ва шиш ҳолатлари, глиал ҳужайраларни ажралиб чиқиши ва томир деворидаги ҳужайраларнинг яллиғланиш олди омилларини ривожлантирди, сўнгра ҳам асаб, ҳам глиал ҳужайраларда деструктив-

некротик ўзгаришлар устунлиги аниқланди (1-расмга қаранг). Мазкур деструктив ўзгаришларга қон қуйилиш ўчоғи ва уни атрофида томирларни кенгайиши, қондан лейкоцит, моноцитларнинг деструкция ўчоғига ажралиб чиқиши, микроглияни макрофагларга айланиши билан пролиферацияси, некроз атрофида яллиғланиш – ҳужайра демаркацион халқанинг шаклланиши кўринишидаги регенератор реакциялар ривожланди (2-расмга қаранг). Бу патоморфологик ўзгаришлар қон қуйилиши ҳосил бўлгандан сўнг 96-соатга келиб тўлиқ шаклланди.



1-расм. Травматик қон қуйилишидан 3-соатдан сўнг. Микротомирларда эритро - ва лейкостаз (1), яққол намоён бўлган периваскуляр ва перицеллюляр шиш (2). Бўялиш: гематоксилин ва эозин. Х: ок 10, об. 40.



2- расм. Мияга травматик қон қуйилишидан 12-соатдан сўнг. Эритроцитларни атрофдаги нерв тўқимасига кириб бориши (1), полинуклеар лейкоцитар инфильтратларни пайдо бўлиши (2). Бўялиш: гематоксилин ва эозин. К: ок 10, об. 40.

Оғир бош мия жароҳатларида томирларнинг тузилмавий элементларини қайта қурилишини тавсифловчи асосий патоморфологик ўзгаришлар, микроциркуляр оқим томирлари деворларида юзага келди. Томирларнинг морфологик шикастланиши артериолаларнинг вазопаралитик кенгайиши ва перицитлар ҳамда базал мембраналар, эндотелийнинг текисланиши кўринишидаги микроциркулятор ўзан томирлари (МЦЎ) тузилмавий қайта қурилишини ривожланиши билан капилляр қон оқимини ўсиб бориши, ҳужайралараро бўшлиқнинг шиши, лейкоцитларни четда жойлашиши, уларни периваскуляр бўшлиққа кўчиб ўтиши, яллиғланиш инфильтратининг шаклланиши билан бошланди.

Бош миянинг қарама-қарши ярим шарида ва узунчоқ мияда дисциркулятор ва шиш белгилари камроқ намоён бўлиб, лейкоцитларнинг кўчиб ўтиш даражаси паст ва диффуз лейкоцитар инфльтрат шаклланмади. Тахминимизча, биологик фаол моддалар ҳосил бўлишини рефлектор блокланиши бу томирлар шикастланишни маълум даражада камайтирди.

Бош мия тўқимасига жароҳатдан кейинги қон қуйилишларда энг катта майдонни периваскуляр ва перицеллюляр соҳаларда жойлашган (ўртача 36,3% ини) шиш эгаллайди. Эгаллаган майдони бўйича кейинги ўринни

томирлар ёрилиши натижасида юзага келадиган қон қуйилиш ўчоқлари (ўртача 18,38% ини) эгаллайди. Артериал томирларнинг рефлектор торайиши натижасида энг кичик майдонни (ўртача 9,73% ини) томир тузилмалари эгаллайди.

Бош миянинг жароҳатланиши натижасида морфофункционал ҳолатининг ўткир бузилиши жигар паренхимасида дисциркулятор, дистрофик ва деструктив ўзгариш кўринишдаги яққол патоморфологик белгилар ривожланишини кўрсатди.

Дастлаб жигарда марказий веналар ва синусоидлар тўлақонлилиги ва кенгайиши кўринишидаги дисциркулятор ўзгаришлар ривожланди, кейинчалик уларнинг девори ўтказувчанлиги ортди, шунингдек, бунга тузилмавий элементларнинг бузилиши ва фибриноид некроз ривожланиши билан бириктирувчи тўқимали тузилмаларни мукоид ва фибриноид бўкиши қўшилди. Строма-томир компонентлари томонидан деструктив ҳолатнинг қўшилиши нейтрофил лейкоцитлар, лимфоид ҳужайралар ва макрофаглар билан инфильтрацияси кўринишида кузатилди. Жигар стромасининг деструктив ва дисциркулятор ўзгариши стромадан гепатоцитларни ажралиши билан кечди, ҳамда гепатоцитларни вакуолли, гиалин-томчили дистрофия ва холестаз кўринишидаги яққол намоён бўлган дистрофик ўзгаришларга учраганини кўрсатди. Гепатоцитларни устунли жойлашувининг бузилиши ва алоҳида ҳужайраларга ажралиши «шокли жигар» ривожланиши билан кечди. Бунда гепатоцитлар тарқоқ жойлашган бўлиб, ядролари кариопикноз ва кариолизисга учраган кўринишда бўлди (3-расмга қаранг).

Бош мия жароҳатидан кейинги мияга қон қуйилишида буйракларнинг коптокчали аппарати ва оралиқ тўқима томирлари шикастланди. Дастлаб мукоид ва фибриноид шиш кўринишидаги бириктирувчи тўқимали тузилмалар дезорганизацияси ривожланди, сўнгра бириктирувчи тўқима ҳужайралари пролифератив ўзгариши ва коптокчалар капилляр тўрининг капиллярлари базал мембранасининг қалинлашиши қўшилди. Базал мембрана қалинлашган гематоксилин ўчоқлар пайдо бўлиши ҳисобига нотекис ва эгри-бугри бўлиб қолади. Мезангиал ва эндотелиал ҳужайралар базал мембрана атрофида эндоплазмадаги фибриляр тузилмалар миқдорини ортиши билан кечувчи пролиферация ва гипертрофияга учради.

Шундай қилиб, бошланғич муддатларида жомчаларнинг ўчоқли пролифератив интракапилляр регенерациясини ривожланиши кузатилди. Кейинчалик жараён оралиқ тўқимада лимфоид инфильтрациянинг пайдо бўлиши билан кечувчи диффуз пролифератив-мембраноз регенератга ўтди. Бош мия жароҳатланишидан кейинги, нисбатан узоқ муддатларда, юқорида баён этилган патоморфологик ўзгаришлар сурункали токсик интерстициал пиелонефрит ривожланиши билан тугади (4-расмга қаранг).



3-расм. Синусоидлар деворида толали тузилмалар гипохромазияси (1), марказий веналар деворида коллаген толаларнинг алоҳида фрагментларини сақланиши (2). Бош мия жароҳатларидан кейинги эрта даврда. Бўялиш: Ван Гизон усули. К: ок 10, об. 40.



4-расм. Бош мия жароҳатидан 6 соатдан кейин. Буйраклар коптокчаларининг травматик регенерация белгиларини ўсиб бориш (1). Бўялиш: гематоксилин ва эозин. К: ок 10, об. 40.

Бош мия жароҳатидан кейин турли муддатларда нафас тизими аъзоларида олиб борилган морфологик текшириш натижалари ва патологик ўзгаришларни ташхислаш асосида, нафас аъзоларидаги патологияларни юзага келиши ва ривожланиши бир қатор омилларга боғлиқ. Уларга айнан: бош мия стволининг бульбо-понтин респиратор марказининг бевосита ёки билвосита шикастланиши оқибатида альвеоляр гипер- ва гиповентиляция синдроми шаклланиши билан ифодаланувчи нафас бошқарувининг марказий бузилиши; бош мия каудал гуруҳ ядроларининг шикастланиши натижасида фарингеал ёки фаринголарингиал парез ёки параличлар оқибатида юзага келадиган, шиллиқ гиперсекрецияси ва юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини бузилиши, шунингдек, дисфагия, йўтал рефлекси сусайиши ва аспирация; ўпкадаги қон айланишининг марказий гемодинамик ўзгаришлари; ўпкадаги гипостатик жараёнлар киради.

Трахея интубацияси, трахеостомия ва нафас аппаратида узоқ вақт бўлиш натижасида юзага келадиган асоратларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Нафас етишмаслик фонида нафас аъзолари ўткир патологияси гипоксия ривожланиши, шунингдек, зотилжам натижасида юзага келадиган оқибатлар оғир БМЖ олган беморлар ҳолатини янада оғирлаштиради. Зотилжамнинг оғир шаклларининг ривожланиши неврологик асоратлар даврини бошидан ўтказаётган 3 нафар беморда (6,82%) ўлим ҳолатини юзага келишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, бош мия жароҳатининг турли босқичларини бошидан ўтказаётган беморларнинг шифохонадаги ўлим ҳолатлари, БМЖ натижасида воқеа жойида рўй берган ўлим ҳолатларидан фарқли равишда, ўпкадаги қон айланиш жараёнининг бузилиши, ўпка вентиляциясининг бузилиши ва яллиғланиш жараёнларининг кетма-кет алмашиб келиши кўринишидаги

морфологик ўзгаришлар билан тавсифланди. Макроскопик 17 (38,64%) ҳолатда ўпка тўқимасида шиш белгиларининг мавжудлиги ҳисобига, 27 (61,36%) ҳолатларда ўткир эмфизема ҳисобига ўпканинг ҳар икки бўлаги оғирлигини ортиши аниқланди. Бунда кесмада ўпка тўқимаси рангпар тусда, қизғиш-сиёҳ рангда, тўқ қизил кўпикли мўл суюқлик сақлаган ҳолда кўринди. Микроскопик жиҳатдан патологик жараёнлар эквиваленти морфологик комплекси нафас тизимининг барча бўлимларининг ўзгариши кўринишида намоён бўлган. Шу жумладан, қоннинг гемодинамик ва реологик хусусиятларининг бузилиши билан кечувчи, микроциркуляр бўлимни ичига олган, томирлар ўзанининг реактив қайта қурилиши кузатилди.

Микроциркуляр оқимнинг кўплаб томирлари дистония ҳолатида, қон билан нотекис тўлган, бўлакларо артериялар ўртача ва яққол намоён бўлган торайиш ҳолатида, кескин камқонлик, артериялар деворида бўртиш ва гомогенизация соҳалари кузатилди.

Оғир бош мия жароҳатларида буйрак усти безларида яққол намоён бўлган дисциркулятор, дистрофик ва деструктив ўзгаришлар ривожланди, бунда мазкур ўзгаришлар пўстлоқ қаватининг коптокча ва тутамли соҳаларида янада яққол тавсифга эга бўлди, мия қаватида эса шишли ўзгаришлар билан биргаликда феохромацит ҳужайраларнинг бироз фаоллашиши қайд этилди. Комбинациялашган жароҳатларда алоҳида ҳолларда дисциркулятор ўзгаришлар ва шиш белгиларини бироз кучайиши қайд этилди, бироқ пўстлоқ қаватида адренокортикоцитларнинг ўчоқли вакуолли қайта қурилиши сақланиб қолди. Бунда дисциркулятор ўзгариш ва шиш ҳолатларини кучайиши кузатилди, шунингдек, паренхиматоз ҳужайраларнинг фаол деструкцияси, айниқса коптокчали соҳада некроз ўчоқлари ҳосилалари, деструкция ва қон қуйилиш кўринишидаги ҳосилалар кузатилади.

Оғир БМЖларида асосан бир неча аъзо ёки тизимлар даражасида экстрацеребрал патологиянинг ҳар-хил турдаги шакллари мавжуд бўлади. Оғир БМЖда кўпинча патологик жараёнга бошқа аъзо ва тизимларнинг қўшилиши ўрта ва кекса ёшли беморларда яширин ёки сурункали ҳолатда кечувчи ички аъзо касалликларининг зўрайиши сифатида қўшилади. Бундан ташқари барча орган ва тизимларда юқорида баён этилган патоморфологик ўзгаришлар кузатилади. Ўткир экстрацеребрал патологиялар ривожланиши билан илгари мавжуд бўлган сурункали экстрацеребрал патологиялар бирга келиши БМЖдан сўнг миясида қон қуйилишлар бўлган беморларнинг клиник ҳолатини янада кўпроқ оғирлаштиради.

Бизнинг маълумотларга кўра сурункали полипатия - ички аъзо ва тизимлардаги икки ва ундан ортиқ сурункали патологияларнинг бирга келиши, жабрланганларнинг умумий сонини деярли 24,3% ини ташкил этди, бу кўрсаткичнинг у қадар баланд эмаслиги жабрланганларнинг асосий қисми асаб тизими бошқарилишининг бузилишидан келиб чикувчи экстрацеребрал патологияларнинг юзага келишга улгурмай рўй бериши билан боғлиқдир.

БМЖ натижасида жабрланганларда икки ва ундан ортиқ аъзо ва

